

ИСЛОМ ДИНИДА ШАХС МАЬНАВИЙ ҚИЁФАСИ ТАЛҚИНИ

Султонов Мұхаммад Ѓұб үгли

ЖДПИ Ижтимоий гуманитар фанларни ўқитиши
Методикаси (Маънавият асослари) йўналиши
магистратура 2-босқич талабаси

Илмий раҳбар: ЖДПИ “Фалсафа, тарбия ва ҳуқуқ таълими”
кафедраси фал.ф.д, проф Б.М.Очилов

Аннотация. Мазкур мақолада ислом дини асосларида шахс маънавий қиёфаси шакллантириш масалалари иаҳлили берилган.

Аннотация. В данной статье представлен обзор формирования духовного образа личности на основе ислама.

Annotation. This article provides an overview of the formation of the spiritual image of the individual on the basis of Islam.

Калит сўзлар: ислом, ислом маънавияти, иймон, дили поклик, билим, нақд, нақл, Имом ал-Мотуридий, Абулмуъин ан-Насафий, ҳадис, «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ», Баҳоуддин Нақшбанд.

Ключевые слова: ислам, исламская духовность, вера, чистота сердца, знания, наличные деньги, повествование, имам аль-Мотуриди, Абулмуин ан-Насафи, хадис, «Аль-Джами ас-Сахих», Бахауддин Накшбанд.

Keywords: Islam, Islamic spirituality, faith, purity of heart, knowledge, cash, narration, Imam al-Moturidi, Abulmu'in an-Nasafi, hadith, "Al-Jami 'as-Sahih", Bahauddin Naqshband.

Маълумки, ислом дини инсон камолотининг маънавий-руҳий заминига катта аҳамият беради. Бу нарса жамият ҳаётида, ижтимоий ва оиласи муносабатларда, фарзанд тарбиясида ўз ифодасини топган. «Барчамизга яхши маълумки, – деб ёзди Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов, – дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзоднинг юксак идеаллари, хақ ва ҳақиқат, инсоғ ва адолат тўрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимиdir»¹.

Ислом дини таълимотларида яхшилик ва покизаликнинг нақадар буюк неъмат эканлиги, бирорга озор бермаслик, тил билан дилни доимо бир тутиш, ночорларга закот бериш ва кўнглини кўтариш чин инсоний фазилат эканлиги хусусида жуда кўп эслатмалар мавжуд.

Ислом динида ҳар бир кишининг маънавиятли бўлиши унинг илмига, ақлу фаросатига боғлиқ эканлиги таъкидланади. Бу хусусда Мұхаммад пайғамбаримиз ўз ҳадисларида шундай фикр билдиради: “Ҳар бир мусулмонга талаба илм қилиш фарздор... Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир”².

Ана шунинг учун маънавиятли бўлиш учун биринчи навбатда билимли инсон бўлмоқ жоиз. Ҳадиси шарифларда илм ва олимлик хусиятлари ҳақида қўплаб мисол ва

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 36

² Мұхаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 93.

ўгитлар мавжуд : “Охиратда набийлар, олимлар ва шаҳидлар шафоат қилиш хуқуқига эга бўладилар”, “Олимларга эргашингиз. Зеро, улар дунёнинг машъаллари ва охиратнинг чироқлариридир...” “Олим бўл (ilm берувчи бўл) ёки илм ўрганувчи бўл ёки тингловчи бўл, ёки илмга ва илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан”³. Илм инсонни ана шундай юксак маънавият шоҳсупасига кўтарадики, натижада илм ва илмли шахслар маънавият тимсолига айланадилар.

Ана шу маънода Ғаззолий ёзади: “Ҳар кишининг иззати ва шарофати илм бирла ва кудрат ва қувват бирла ва ё жамоли ва сифати била бўлур”⁴.

Исломда маънавият тушунчаси наинки илм, хулқу одоб, шунингдек, иймон билан ҳам чамбарчас боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Иймонли одамнинг қалби, фикри ва нияти тоза бўлади. Иймон инсон маънавити шаклланишига йўл кўрсатади, бу йўлни ёритади ва мақсад мазмунини чуқурлаштиради. Жалолиддин Румий иймонни ҳатто намоздан устун кўяди. У ёзадики, “Иймон намоздан устундир. Чунки намоз кунда беш маҳал, иймон эса ҳамма вақт фарзdir. Намоз узрли сабаб билан қолдирилиб, фурсат бўлиши билан адо этилиши мумкин. Иймон учун ҳеч қандай узрли сабаб билан бузилиб, кейинроқ бажариш рухсати йўқ. Намозсиз иймоннинг фойдаси бўлади. Бироқ иймонсиз намознинг фойдаси йўқ”⁵. Бинобарин, Жалолиддин Румий сўзи билан айтганда “Иймон тўғри билан хатони, нақд билан нақлни фарқлай оладиган тамиздир”. Демак, ислом динида маънавият масаласи инсон ақли, билими ва иймон-эътиқоди, ахлоқи, одоби билан ўлчанувчи мураккаб маънавий жараён сифатида талқин қилинади.

Зеро, ўтмишда ҳам, бугунги кунда ҳам хорижий дунё, айниқса, мусулмон олами Мовароуннахр маданияти ва фанидан баҳраманд бўлган ҳамда таъсиrlаниб келган. Бу ҳол айниқса «ўрта асрлар» деган сифат билан тарихга кирган давр учун хос бўлган. Айни шу даврда бизнинг юртимиздан Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом ад-Даримий каби пешво муҳадислар, Имом ал-Мотуридий, Абулмуъин ан-Насафий каби мутакаллим-илоҳиётчилар, Бурҳонуддин ал-Марғилоний каби фақиҳлар етишиб чиқдиларки, улар яратган ўлмас асарлар мусулмон дунёси ҳаётини ташкил этишнинг дастуриламалига айланди.

Ислом илми ва қадриятларини юксакларга кўтарган алломаларимиз ибрат йўлининг инсон фазилатларини камолга етказишдаги ўрни ва таъсири катта. Бу хусусда тўхталар экан, И.Каримов: «Халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди...»⁶ деб таъкидлаган эди.

Шу ўринда Муҳаммад ибн Исмоил Бухорийнинг «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» (ишончли ҳадислар) тўплами «Ал-Адаб ал-муфрад» тўпламларига киритилган ҳадислар айнан шахс маънавияти масаласида муҳим манба эканлигини таъкидлаш зарур.

«Ал-Адаб ал-муфрад» (Адаб дурданалари) имом Бухорийнинг ахлоқ ва одоб масалаларига доир ҳадисларни ўзида жо қилган энг нодир асарларидан ҳисобланади. У икки юз олтмиш етти бобдан иборат анчайин салмоқли асардир⁷.

³ Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б. 61.

⁴ Ғаззолий. Кимиёи саодат. – Тошкент: Камалак, 1995. – Б. 39.

⁵ Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадур. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – Б. 34-35.

⁶ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 36-37.

⁷ Каранг: Бобоев Х., Гофуров З. Миллий истиқлол мағкураси ва тараққиёт. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. –Б. 45.

Тўпламга киритилган ҳадисларнинг мазмунини жиддий ўйлаб кўрадиган бўлсак, улар энг олий қадриятларни касб этишга чақирилган даъват эканлигига амин бўламиз.

Ана шу қадриятлар замирида инсон маънавий фазилатлари такомилига хизмат қилувчи қоидалар ва таълимотлар мужассамдир.

Ҳадислар ота-она, ака-укалар ва ака-сингилларни оиласдаги ўз бурчларини жамиятдаги каби мукаммал адо этишга чақиради, чунки «жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз зиммасидаги мажбуриятлар учун масъулдир».

Ҳадислар одамларни ростгўй бўлишга чақиради, илоҳиёт ҳақиқати шундан иборатки, «доимо ростгўй бўлган одамгина Аллоҳ таоло томонидан мўъминлар қаторига киритилади». Ҳадислар одамларни меҳрибонликка чақиради: «Ер юзида гиларга меҳр-шафқат кўрсатинг, самовий ва арозий оламлар Парвардигори ҳам сизларга шафқат қилади».⁸ Куръони Карим ва Сунани шариф булардан бошқа эзгу қадриятларга ҳам даъват этадики, турли аср олимлари уларни шарҳлашга жуда кўп куч сарфлаганлар.

Ислом илоҳиёти ва маърифатида маънавиятга муносабат кўпроқ шахснинг ахлоқий дунёқараси ҳамда дину диёнат,adolat, ҳалқпарварлик, инсонпарварлик ғояларида алоҳида кўзга ташланади. Хусусан, тасаввуф таълимотининг кўзга кўринган намояндаси, Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд меросидан бунга кўплаб асослар келтириш мумкин.

Бу тариқатнинг икки томони бор: Биринчиси – ахлоқий жиҳати: у заминдан, ҳалқдан, меҳнатдан узилиб қолмасликка, маърифатга эришишга ва жаҳолатга, зулмга қарши курашишга, бирон-бир касбнинг бошини тутишга, ўзгаларга ахлоқий намуна бўлиб яшашга чақиради. Иккинчиси – илоҳий жиҳати: у ахлоқий қисматга даъват этади. Бу тариқатнинг яна «Хилватда – шухрат, шухратда оғат» деган ақидаси ҳам дикқатга сазовор. Хилватда фақат ўзини ўйлаб, эртадан кечгача ибодат қилишда ҳам ғараз бор: бу, биринчидан, кишининг жаннатдан энг аввало ўзи ўрин олиши учун тиришиб-тирмашиши бўлса, иккинчидан, худога худбинлик орқали яхши қўриниш ва, учинчидан, одамлар кўзига ўзини зўр қилиб кўрсатиш, яъни шухрат орттиришдир. Шунингдек, бу тариқат аввало зиёлиларга жуда катта масъулият юклайди. Унинг «Агар мамлакат хароб бўлса, шоҳдан хафа бўлма, ҳақиқат аҳли наздида бу дарвешларнинг – зиёлиларнинг, илм аҳлининг гуноҳидир», «Ҳеч кимдан хафа бўлма ва ҳеч кимни хафа қилма», «Ўлик шердан тирик мушук афзал» сингари ҳикматлар ҳам ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайди⁹.

Ислом маърифатида диний-ирфоний илм ва шахс маънавий баркамоллигини тарғиб этган Паҳлавон Маҳмуднинг диний-тасаввуфий қарашлари алоҳида ўрин тутади. Унинг рубоийларининг асосий ғоясини инсон ва унинг жамиятдаги ўрни, ахлоқий фазилатлари, ижтимоийadolat, ростгўйлик, тўғрилик ташкил қиласиди ва буларнинг жуда кўпчилик қисми Куръони Карим ҳамда ҳадиси шарифларнинг таъсирида ёзилгани қўриниб туради. Ана шу боис унинг асосий ғояси ҳам мардлик, жасурлик, Аллоҳ берган умрни илму ҳикмат қидириб яшашга сарф этишга даъват устуворлик қиласиди:

*Ҳамла қилар менга ғам-оғу кўраман,
Кўз очаман, ҳар кўзда қайгу кўраман,
Ўй сурман боини оёғимга қўйиб,
Ўзини таниб, тиззамни кўзгу кўраман.*

⁸ Саттиев И.М. Имом Ал-Бухорийнинг «Ал-Жомиъ Ас-Саҳиҳ»и-мусулмонлар ҳаётининг йўлчи юлдузи. Замонамиз уламолари. – Тошкент, 2001. – Б. 52-53.

⁹ Каранг. Дам бу дамдир, дам бу дамдир, дам бу дам. Академик И.Султон билан А.Шер сұхбати // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 1996. – № 1.

Мутафаккир, ҳаётнинг оғир зарбалари ҳамла қилар экан, бу ҳамлаларнинг оғирлигидан, заҳардек аччиқлигидан зўрга кўз очган ва ўзига ўхшаган жуда кўп одамларнинг ҳам кўзида шундай қайғу ва ғамни кўрган. Бу қайғулар эса ҳаётда учрайдиган инсофисизлик, адолатсизлик, тенгсизлик, бойликка ружу қўйиш, шайтон васвасасига учиш, нафсни жиловлай олмаслик, ҳаёт жилваларига алданган инсонлар фожиавий тақдиригининг сўнгги нуқтасини қўра олиш натижасида пайдо бўлган. Ушбу фожиалар эса ўзини таниган инсонни ўй суриб, қайғуга ботишига мажбур қиласи.

У жамиятдаги мавжуд ахлоқий иллатлар, сохта диндорлик, таркидунёчилик, бойлик ортидан қувишни инсоний қусур ҳисоблаб, инсон ҳаётининг мазмунини маънавий баркамолликда деб билади¹⁰.

Шу маънода ҳар бир алоҳида инсон- ҳар қандай жамиятнинг мавжудлиги ва барҳаётлигини таъминлаб турадиган асосий ижтимоий унсурдир. Бу инсоннинг индивидуал шахсий хатти-ҳаракати, яъни бирор гурух, қатлам, қавм, элат, ҳалқ ва миллат доирасидаги, оила ва турмушдаги, муайян жамият миёсидағи фаолияти, яратган моддий ва маънавий бойликлари, аввало, ўзига ва ўзгаларга нисбатан муносабати орқали намоён бўлади. Бу муносабатларнинг энг муҳими, яъни инсон шахсининг маънавий қиёфасини шакллантирадиган жиҳати – илмдир.

Шу ўринда маънавий мустақиллигимизнинг таянч нуқтаси сифатида кишиларимиздаги имон-эътиқодни такомиллаштиришнинг муҳим омили ҳисобланган миллий ғуур ва нафсониятни, миллий феъл-атворни тиклаш ҳам маънавий баркамоллик орқали амалга ошиши ҳеч кимга сир эмас..

Қуръони карим, ҳадислар ва шариат кўрсатмалари инсон маънавий-маърифий камолотининг асоси бўлган ахлоқ-одоб тарбиясининг барча қирраларини ўз ичига олган. Сирасини айтганда, ҳадислар маънавий-ахлоқий тарбияга оид бўлган фикрларнинг мукаммал тўпламидир. Қуръони карим, ҳадисларни, шариат кўрсатмаларини ўрганар эканмиз, уларда ахлоқий камолот, ҳалоллик ва поклик, иймон ва виждан билан боғлиқ бўлган бирорта ҳам муҳим масала эътибордан четда қолмаганини кўрамиз.

Хулоса қилиб айтганда, исломда ота-онага меҳр-муҳаббат, ғамхўрлик, фарзанд тарбияси ва оиласа садоқат масалаларига алоҳида эътибор берилган. Кишиларни яхшилик қилиш, савоб ишларга қўл уриш, инсофли-диёнатли, вижданли бўлиш, меҳр-шафқатлилик, тўғрилик, ростгуйлик, соғдил бўлиш, биродарга ёрдам бериш, камтарликка чақириш гоялари илгари сурилган.

Қуръони Карим, ҳадиси шариф, буюк муҳаддисларнинг бизга қолдирган манбалари, маърифат аҳлининг ўғитлари шахс ахлоқий фазилатларини камол топтиришдаги бебаҳо асос, маънавий хазинадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008
- 2.Ғаззолий. Кимиёи саодат. – Тошкент: Камалак, 1995
- 3.Мавлоно Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдадур. – Тошкент: Ёзувчи, 1997.
- 4.Муҳаммад пайғамбар қиссаси. Ҳадислар. – Тошкент: Камалак, 1991.
- 5.Абдулҳаким Матназар. Имон тухфаси. – Тошкент, 1997.
- 6.Саттиев И.М. Имом Ал-Бухорийнинг «Ал-Жомиъ Ас-Саҳиҳ»и-мусулмонлар ҳаётининг йўлчи юлдузи. Замонамиз уламолари. – Тошкент, 2001..

¹⁰ Қаранг: Абдулҳаким Матназар. Имон тухфаси. – Тошкент, 1997. – Б. 57.

7. Бобоев Х., Гофуров З. Миллий истиқтол мағкураси ва тараққиёт. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. –Б.

8.Дам бу дамдир, дам бу дамдир, дам бу дам. Академик И.Султон билан А.Шер сұхбати // Соғлом авлод учун. – Тошкент, 1996. – № 1